

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

БОБАЕВ УЛУГБЕК НАСИРОВИЧ

**ЎПКАНИНГ ВИДЕОТОРАКОСКОПИК АРАЛАШУВЛАРИДА
ГЕМО- ВА АЭРОСТАЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Бобаев Улугбек Насирович

Ўпканинг видеоторакоскопик аралашувларида гемо- ва аэростаз
технологияларни такомиллаштириш..... 3

Бобаев Улугбек Насирович

Совершенствование технологий гемои аэростаза при
видеоторакоскопических вмешательствах на легких..... 21

Bobayev Ulugbek Nasirovich

Improvement of hemo and aerostasis technologies for videothoracoscopic
lung interventions..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

БОБАЕВ УЛУГБЕК НАСИРОВИЧ

**ЎПКАНИНГ ВИДЕОТОРАКОСКОПИК АРАЛАШУВЛАРИДА
ГЕМО- ВА АЭРОСТАЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси № В2020.2.PhD/Tib1280 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази ва Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ww.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшонходжаев Отабек Джураевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Акбаров Миршавкат Миролимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Беркинов Улугбек Базарбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (116 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни таркатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, торакал жаррохликнинг ривожланиши, жаррохлик илми сифатида бевосита жаррохлик амалиётларининг клиник ҳолати ва мураккабликларидан қатъий назар, периоперацион асоратларни камайтириш ва бартараф этишга эришишга боғлиқдир. «Торакал жаррохлик соҳасидаги кам инвазив технологиялар эвазига (роботлаштирилган торакоскопия, видеоторакоскопик (ВТС) амалиётлар, медиастиноскопия ва х.к.) ўпкалар, юрак, кўкс оралиғида бажариладиган ташрихлардаги оператив услубларининг янги сифатли имкониятлари пайдо бўлди»¹. Бир вақтнинг ўзида, «ўпкаларнинг кам инвазив жаррохлигининг ҳал этилмаган масалаларидан бири ўпка тўқимасининг шикастланган соҳасидаги самарали ва турғун гемостаз ва аэростаз муаммоси бўлиб, ташрих вақтидаги ва ташрихдан кейинги асоратлар ривожланиши хавфини туғдиради»². Шундан, бронхоплеврал асоратлар – бронх чўлтоғи етишмовчилиги, бронхоплеврал оқмалар ва улар билан боғлиқ бўлган ўпка эмпиемаси – айниқса, ВТС амалиётларини бажаришда, ўпка касалликларини жаррохлик йўл билан даволаш самарадорлигини пасайишида асосий омил ҳисобланади. Паренхиматоз қон кетиш билан кечувчи ўпка тўқимаси дефекти бўлганда, ўпка жаррохлигидаги аэро- ва гемостаз бузилишларининг ташрихдан кейинги белгиларини даволаш ва олдини олиш учун, асосан, кўпинча кам самара берувчи кўплаб ускуналар (коагуляторлар, механик клипаторлар ва х.к.) таклиф этилган. Ушбу ҳолатда жарохат юзасига аппликация учун янги биомослашувчан материалларни ўзлаштириш ва махсус биотиббий махсулотларни яратиш ҳозирги кунда тадқиқот ва ишлаб чиқариш учун етакчи йўналишлардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида шикастланган ўпка тўқимаси юзасидаги аэро- ва гемостаз бузилишлари ривожланишининг сабаб-далил алоқаларини ўрганиш долзарб тадқиқотлардан бири бўлиб қолмоқда, аъзонинг мустаҳкамлик ва эластиклик хусусиятлари, ҳамда этиологик омилларни инобатга олувчи биологик кўрсаткичлари, аъзо паренхимасининг ҳолати, қон билан таъминланиши ва гемостаз тизими бузилиши хусусиятлари каби ўпка паренхимаси мустаҳкамлигини аниқловчи механик омилларнинг таъсири масалалари кўрилмоқда. Паренхиматоз аъзонинг шикастланган тўқимаси юзасида мустаҳкам герметик қобиқ ҳосил қилувчи яхши адгезив хусусиятга эга ва қўллашда хавфсизликка бўлган асосий талабларга мос келувчи, яъни маҳаллий яллиғланиш, қитиқловчи ва аллергия реакцияларни қўзғатишга нисбатан қуйи потенциалга эга янги биоинерт материалларни яратиш давом этмоқда. Аъзо ва тўқималарнинг функция бажарувчи

¹ Krebs ED, Mehaffey JH, Sarosiek BM, Blank RS, Lau CL, Martin LW. Is less really more? Reexamining video-assisted thoracoscopic versus open lobectomy in the setting of an enhanced recovery protocol. J Thorac Cardiovasc Surg. 2019 Sep 13. pii: S0022-5223(19)31771-4. doi: 10.1016/j.jtcvs.2019.08.036.

² Kavurmaci Ö, Akcam TI, Ergonul AG, Cagirici U, Cakan A. Prolonged air leak after video-assisted thoracoscopic surgery in patients with primary spontaneous pneumothorax. Niger J Clin Pract. 2019 Sep;22(9):1292-1297.

хужайраларини ўз ичига олган ёки имплантация соҳасида хужайралар регенерациясини стимулловчи сунъий ёки биологик табиатли материаллардан иборат тизимнинг биосунъий материаллари ва аъзоларини яратиш учун технологияларни излаш олиб борилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш хажмини кенгайтириш ва тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар қабул қилинган. Ушбу йўналишда, кўпинча, ўпканинг турли патологияларида ВТС амалиётлари натижаларини яхшилашда қониқарли натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилаш учун кам инвазив торакал жаррохликда янги ишлаб чиқилган биоимплантатларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини инобатга олган ҳолда, уларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий-асосланган натижалар талаб қилинмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган³. Шунга боғлиқ равишда, ВТС амалиётларини бажаришда турғун гемо- ва аэростазга эришиш учун биомослашувчан имплантатларнинг янги шакллари яратиш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш ёрдам тизими қисқа вақт ичида мукамаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу йшналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаррохлик техникаси соҳасидаги ютуқларга қарамай, ўпкаларда бажарилган турли ташрихлардан сўнг, хавонинг узок муддат чиқиб кетиши ва гемостаз бузилишининг юзага келиши кўп учрайдиган асоратларлигича қолмоқда⁴. Эмфиземани даволаш бўйича анъанавий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўпка хажмини

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Bharat A, Graf N, Mullen A, Kanter J, Andrei AC, Sporn PH, De Camp MM, Sznajder JI. Pleural Hypercarbia After Lung Surgery Is Associated With Persistent Alveolopleural Fistulae. Chest. 2016 Jan;149(1):220-7.

қисқартириш бўйича бажарилган ташрихдан кейинги юзага келган пневморейя 50% беморда кузатилган. Зўрайиб кетмайдиган эмфиземаси бўлган беморларда эса ушбу асорат 18 дан 26% ташкил этган⁵. Ўз навбатида, плевра ичи қон кетиши ташрихдан кейинги биринчи соат ва кунлардаги энг хавфли асоратлардан бири ҳисобланади. Адабиёт маълумотларига кўра, ушбу асорат 2-20% ҳолатларда учрайди⁶. Бу асоратлар ўпкаларда бажариладиган ташрихлардан кейинги ўлимнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Шубхали интраоперацион аэро- ва гемостаз, ва улар билан боғлиқ бўлган асоратлар, баъзан, ташрих хажмини чўзишни, эрта ташрихдан кейинги даврдаги плеврал бўшлиқ герметиклигининг бузилиши эса реторакотомияга кўрсатма бўлиши ва ўпканинг қолган бўлақлари ҳисобига ташрих хажмини кенгайтиришни талаб этади. Бунда хатто, ўпка ва кўкс оралиғи жаррохлигига кам инвазив технологияларни кенг киритиш ҳам турли хил ташрихдан кейинги асоратлар сонининг камайиши муаммосига ўз таъсирини кўрсатмаган⁷.

Ҳозирги вақтда аэро- ва гемостаз бузилишларни интраоперацион даволаш режасида юқори биомослашувчанликка эга резорбцияланувчи материаллардан иборат жароҳат қопламаларидан фойдаланиш энг талабгордир⁸. Уларни фойдаланиладиган материал турига қараб, шартли равишда гуруҳларга: организмнинг хусусий биологик тўқималари, қон ва унинг фракциялари препаратлари, хайвон тўқималарини қайта ишлаш маҳсулотлари, ўсимлик ва сунъий полимерлар асосидаги препаратларга ажратиш мумкин. Бугунги кунда жаррохлик амалиётида фибринли елим кенг қўлланилмоқда⁹. Ундан фойдаланиш операцион маҳсул асбобга эга бўлиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, ташрих ўтказувчи жаррохлар ва персонал эса унинг таркибий қисмлари билан ишлаш техникасига эга бўлиши шарт. Тайёр препаратнинг тез полимеризацияси ва аппликация соҳасида битишма жараёнининг юзага келиши паренхиматоз аъзолар жаррохлигида бундай елимли композицияларни кенг қўллашда жаррохларга муқобил нисбат билан тушунтирилади¹⁰. Маҳаллий гемостаз учун воситаларни қидириш йўналишларидан бири коллаген ва желатиндан фойдаланиш бўлиб, хорижда желатинли губкалар "Spongostan", "Gelfoam" ва х.к. номи билан ишлаб

⁵ DeCamp M.M., Blackstone E.H., Naunheim K.S. Patient and surgical factors influencing air leak after lung volume reduction surgery: lessons learned from the National Emphysema Treatment Trial. *Ann Thorac Surg.* 2006;82(1):197–206.

⁶ Broderick S.R. Hemothorax: Etiology, diagnosis, and management // *Thorac. Surg. Clin.* – 2013. – Vol. 23, №1. – P. 89-96.

⁷ Zhang K, Chen HG, Wu WB, Li XJ, Wu YH, Xu JN, Jia YB, Zhang J. Non-intubated video-assisted thoracoscopic surgery vs. intubated video-assisted thoracoscopic surgery for thoracic disease: a systematic review and meta-analysis of 1,684 cases. *J Thorac Dis.* 2019 Aug;11(8):3556-3568.

⁸ Zhang Q, Qi C, Wang H, Xiao X, Zhuang Y, Gu S, Zhou Y, Wang L, Yang H, Xu W. Biocompatible and degradable *Bletilla striata* polysaccharide hemostasis sponges constructed from natural medicinal herb *Bletilla striata*. *Carbohydr Polym.* 2019 Dec 15;226:115304.

⁹ Buchaim DV, Cassaro CV, Shindo JVTC, Coletta BBD, Pomini KT, Rosso MPO, Campos LMG, Ferreira RS Jr, Barraviera B, Buchaim RL. Unique heterologous fibrin biopolymer with hemostatic, adhesive, sealant, scaffold and drug delivery properties: a systematic review. *J Venom Anim Toxins Incl Trop Dis.* 2019 Nov 11;25:e20190038.

¹⁰ Takimoto K, Imai Y, Matsuyama K. Endoscopic tissue shielding method with polyglycolic acid sheets and fibrin glue to prevent delayed perforation after duodenal endoscopic submucosal dissection. *Dig Endosc.* 2014 Apr;26 Suppl 2:46-9.

чиқарилади.¹¹ Бундай воситалардан фойдаланиш тажрибаси, айниқса қон ивиши бузилишида, ушбу воситаларнинг қатъий самарадолигини, шунингдек, қайта қон кетиш хавфи мавжудлигини кўрсатган.

Адабиётлар таҳлил этилганда қуйидагилар аниқландики, ҳозирги даврда ВТС амалиётларини бажаришда ишончли аэро- ва гемостазни таъминлаш замонавий соғлиқни сақлашнинг энг долзарб ва охиригача ҳал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра, ВТС ташриҳларида экстремал-морфологик асосланиш, яъни уларни қўллашдаги хавфсизлик, биологик имплантат аппликациясидан кейин шикастланган соҳанинг тўлиқ герметиклигига эришишдаги самарадорликни инобатга олган ҳолда, ўпка тўқимасидан пневморей ва паренхиматоз қон кетишни бартараф этишга эришувчи маҳаллий композицион материалларнинг янги шакллари тадбиқ этиш зарурати юзага келади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жаррохлик илмий-амалий тиббиёт маркази» илмий-тадқиқот иш режаларининг: «Ўпка ва кўкс оралиғи аъзоларида бажариладиган торақоскопик, очик ва қайта амалиётлардан кейин ташриҳдан кейинги плевра ичи асоратларни жаррохлик йўли билан даволаш усулларини тадбиқ этиш ва мукаммаллаштириш» мавзусида АТСС - 28.9 лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 й.).

Тадқиқот мақсади видеоторақоскопик амалиётларни бажаришда турғун гемо- ва аэростазга эришиш учун маҳаллий биомослашувчан имплантатларнинг янги шакллари яратиш ва клиник амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

аэро- ва гемостазга эришиш мақсадида ўпканинг кам инвазив жаррохлигида қўллаш учун гель кўринишидаги маҳаллий биомослашувчан композицион материал яратиш;

гель кўринишидаги таклиф этилган биомослашувчан имплантатнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолаш бўйича тажрибавий-морфологик тадқиқот ўтказиш;

видеоторақоскопик амалиётларни бажаришда ўпканинг шикастланган тўқимаси юзасига гелли композицияни етказиш ва суртиш учун ускуна яратиш;

ўпканинг буллезли касалликларида ВТС амалиётларини бажаришда гелли композиция самарадорлигини ўрганиш;

ўпка тўқимасининг очик ва ёпиқ жароҳатларида ВТС амалиётларини бажаришда гель кўринишидаги композицион материалдан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш;

солиштирма жихатдан аэро- ва гемостаз бузилишларни даволашдаги ВТС тадбиқ этилган усулдан фойдаланиш натижаларини ўрганиш.

¹¹ Broekema FI, van Oeveren W, Boerendonk A, Sharma PK, Bos RR. Hemostatic action of polyurethane foam with 55% polyethylene glycol compared to collagen and gelatin. Biomed Mater Eng. 2016 Aug 12;27(2-3):149-59.

Тадқиқот объекти сифатида 2015-2019 йиллар мобайнида «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг ўпка ва кўкс оралиғи жаррохлиги бўлимларида даволанган 85 нафар нафас ўпка касалликлари билан оғриган беморлар хизмат қилган. Тажриба тадқиқотлари «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМнинг клиник экспериментал жаррохлик бўлимида бажарилган.

Тадқиқот предмети торақоскопик жаррохликда қўллаш учун гель кўринишидаги, санаб ўтилган хусусиятларга эга (аэростаз, гемостаз, чоклар герметизацияси) маҳаллий ишлаб чиқилган биомослашувчан имплантат ҳамда тажрибада ушбу имплантатнинг тиббий-биологик хавфсизлигини баҳолаш учун тажриба хайвонлари тўқималари ва қонини тажрибавий-морфологик ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун биотехнологик, тажрибавий, морфологик, токсикологик, биокимёвий, микробиологик, рентгенологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта клиник-тажрибавий тадқиқотларда ўпка видеоторақоскопик жаррохлигида паренхиматоз қон кетиш ва пневморейни бартараф этиш ҳамда қайталанишини олдини олиш учун гель кўринишидаги маҳаллий биомослашувчан композицион материал қўлланилган;

гелли композиция биомослашувчан имплантатлар учун асосий хусусиятлари ва тиббий-биологик талаблари, хусусан, техник (адгезия, механик мустаҳкамлик, лизис) ва клиник кўрсаткичлари (аэро- ва гемостатик самара сифати) бўйича мавжуд имплантатдан қолишмаслиги тажрибада асосланган;

морфологик тадқиқот натижалари асосида, гель кўринишидаги ушбу таклиф этилган имплантатнинг ишлаб чиқилган шакли ўпка тўқимаси жароҳат юзасига герметик ёпишиши ва тажриба хайвонларида токсик, қитиқловчи ва аллергия реакциялар кузатилмаслиги билан қўллашда хавфсизлиги аниқланган;

гель кўринишидаги композицион материални маҳаллий аппликацияси, текис компрессияси ва адгезиясини таъминловчи етказувчи ускунадан фойдаланишни таклиф этиш йўли билан ўпка тўқимаси жароҳатларида аэро- ва гемостаз бузилишларини видеоторақоскопик даволаш усули ишлаб чиқилган;

ўпка тўқимаси жароҳат дефекти ўлчамига кўра, ҳамда қўл ёрдамида ёки ускуна билан тикишдан сўнг тўлиқ герметикликка эришишни инобатга олган ҳолда, клиник амалиётда видеоторақоскопик амалиётларни ўтказишда "Гепроцел" гелини қўллаш имкониятлари очилган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тажрибавий ва морфологик тадқиқотлар асосида аэро- ва гемостазни даволаш ва олдини олиш мақсадида видеоторақоскопик амалиётларда гель

кўринишидаги махаллий композицион материални қўллаш самарадорлиги исботланган;

юқори аэро- ва гемостатик самарани асослаш ҳамда ўпка тўқимасидаги аппликация воситаларига нисбатан махаллий ва умумий ножўя реакцияларнинг кузатилмаслигини асослаш имконини берувчи гель кўринишидаги таклиф этилган имплантат шаклининг асосий техник ва клиник хусусиятлари аниқланган;

видеоторакоскопик амалиётларда аэро- ва гемостаз бузилишларни даволаш ва олдини олиш учун шикастланган ўпка тўқимасида гелли композициянинг махаллий аппликацияси самарадорлигини оширувчи етказувчи ускуна яратилган;

аэро- ва гемостаз бўйича герметикликни таъминлаш ва шунга мос равишда, ташрихдан кейинги специфик асоратлар ривожланишини камайтириш бўйича ўпка торакоскопик жаррохлигида гель шаклидаги жарохат қопламасидан фойдаланишнинг клиник самарадорлиги исботланган;

ўпка тўқимаси жарохатларида аэро- ва гемостаз бузилишларни видеоторакоскопик даволашнинг ишлаб чиқилган усули ташрих давомийлигини, плевра бўшлиғини дренажлаш ва ташрихдан кейинги реабилитация муддатини қисқартириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган тажрибавий, морфологик, биокимёвий, микробиологик, рентгенологик, статистик усуллардан фойдаланишга асосланган. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик қайта ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар ўз назарий ахамиятига эга бўлиб, ВТС амалиётларини бажаришда паренхиматоз қон кетишларни тўхтатиш ва аэростаз учун ҳамда таклиф этилган етказувчи ускуна ёрдамида композицион материал аппликацияси усулини киритиш учун гель кўринишидаги махаллий биомослашувчан имплантатнинг тажриба моделини тадбиқ этишда ва клиник-тажрибавий баҳолашда бевосита ўз хиссасини қўшади.

Тадқиқотнинг амалий ахамияти шундан иборатки, ВТС ташрихларида юзага келувчи аэро- ва гемостаз бузилишларни олдини олиш ва даволаш учун клиник амалиётда гель кўринишидаги махаллий биологик композицион полимер имплантатдан фойдаланиш учун кўрсатмалар ишлаб чиқилган, ҳамда шикастланган ўпка тўқимасига гелли композициянинг махаллий аппликацияси самарадорлигини оширувчи етказувчи ускуна таклиф этилган бўлиб, унинг ёрдамида ташрихдан кейинги асоратлар сонини, плевра бўшлиғини дренажлаш ва реабилитация муддатини қисқартиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилниши. Видеоторакоскопик амалиётларда гемо- ва аэростаз самарадорлигини мукамаллаштириш

бўйича бажарилган илмий тадқиқот натижаларига асосида:

«Ўпкалардаги видеоторакоскопик амалиётларда гемо- ва аэростатик воситаларнинг аппликацияси усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 8н-з/128-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ташрихдан кейинги асоратлар сонини, плевра бўшлиғини дренажлаш ва реабилитация муддатининг аниқ қисқартириш имконини берган;

видеоторакоскопик амалиётларда аэро- ва гемостаз бузилишларни даволаш учун композицион материал аппликацияси учун етказувчи ускуна тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 8н-з/128-сон маълумотномаси). Ушбу ускунани қўллаш ўпка тўқимасининг шикастланган юзасида гель кўринишидаги композицион материал маҳаллий аппликацияси, текис компрессияси ва адгезиясини таъминлаган;

видеоторакоскопик амалиётларда гемо- ва аэростаз самарадорлигини мукамаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, хусусан, “Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази”, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали ва Андижон давлат тиббиёт институти Клиникасининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 8н-з/128-сон маълумотномаси). Гель кўринишидаги композицион материалнинг маҳаллий аппликацияси билан бирга таклиф этилган етказувчи ускуна воситасида ўпка тўқимасининг жароҳатларида юзага келадиган аэро- ва гемостаз бузилишларни видеоторакоскопик даволашнинг тадбиқ этилган усули ташрихдан кейинги даврдаги аэро- ва гемостаз бузилишлар сонини 17,3% дан 3,0% га, плевра бўшлиғини узоқ муддатли дренажлаш муддатини 19,2% дан 6,1% га қисқартиришга ва шунга мос равишда, асоратсиз беморлар сонини 82,7% дан 97,0% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, жумладан, 5 та мақола, улардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, яқунлар, хулосалар, амалий тавсиялар ва иқтибослашган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблилигига асосланган бўлиб, мақсад, тадқиқот вазифалари

шакллантирилган, илмий янгилик ва тадқиқот натижаларининг илмий-амалий ахамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва жорий этилиши, диссертация хажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг **«Ўпка видеоассистирланган торакоскопик жаррохлигида гемостаз ва аэростаз» (адабиётлар шархи)** номли биринчи бобида ўпканинг кам инвазив видеоассистирланган жаррохлигида аэростаз ва гемостаз етишмовчилиги муаммоси бўйича илмий маълумотларни мустахкам таҳлил қилиш, бойитиш ва тизимлаштириш келтирилган. Бобда кетма-кетликда ўпка касалликларини жаррохлик йўли билан даволашда ўпка видеоассистирланган торакоскопик амалиётларнинг замонавий ахамияти ва ўрни масалалари кўрилган, аэростаз ва гемостаз учун қўлланиладиган биомослашувчан воситаларнинг хусусиятлари очиб берилган. Адабиётлар бўйича ўтказилган таҳлил натижаларида ушбу муаммо бўйича хал этилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **«Клиник ва тажрибавий материал ва тадқиқотда қўлланилган усуллар характеристикаси»** номли иккинчи бобида тадқиқот босқичлари, тадқиқот учун клиник материал ва фойдаланилган усуллар баён этилган. Диссертация иши тадқиқотнинг икки йўналишига: тажрибавий-морфологик қисми ва клиник қисмига асосланган. Гель кўринишидаги «Гепроцел» маҳаллий биологик композицион гемоаэроостатик воситанинг таркиби ва самарадорлиги тажрибавий баҳоланган. Унинг клиник самарадорлигини баҳолаш мақсадида тадқиқот учун 2 та гуруҳ шакллантирилди. Тадқиқотнинг проспектив қисмида асосий гуруҳдаги беморларни шакллантирилган бўлиб, уларда резекцион босқич шарт бўлган ўпкадаги турли ташрихларда ўпка тўқимасининг шикастланган соҳаси юзасига «Гепроцел» гелини қўллаш билан аэро- ва гемостазни таъминлашнинг таклиф этилган усули билан тўқима қисми резекциясидан кейинги ўпка паренхимаси дефекти соҳаси ёки ўпкадаги чок чизиқларини мустахкамлаш бажарилган, сўнгра гемостаз самарадорлиги баҳоланган ва аэростазга синама ўтказилган.

Тадқиқотнинг клиник қисмига 2015 йилдан 2019 йил июнь давригача ташрих ўтказилган 85 нафар бемор киритилган. Асосий гуруҳда – 33 бемор бўлиб, улардаги битишмалардан ажратишда ўпка паренхимаси жароҳатлари ёки резекцион босқичдан сўнг, торакопорт орқали етказувчи ускуна ёрдамида ўпка тўқимаси дефекти юзасига аэро- ва гемостаз таъминланиши учун «Гепроцел» гели аппликацияси ўтказилган. Қиёсий гуруҳга жинси, ёши, патологияси, ташрих амалиётлари тури ва бир хиллилик ва мослик таҳлилнинг бошқа объектив мезонларига кўра, 52 нафар бемор киритилди. Беморлар ёши ва жинсига кўра тақсимланганда, эркаклар кўпроқ бўлиб (84,7%), асосий контингент – меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморлар 20-44 ёш ($n=35$), 45-59 ёшни ($n=27$) ташкил этган. Тадқиқотга қуйидаги нозология билан беморлар жалб этилди: ўпканинг буллез касаллиги, кўкрак қафасининг ёпиқ жароҳати ва кўкрак қафасининг тешиб ўтган жароҳатлари (жадвал 1).

Якуний плеврал асоратлар ҳам қайд этилган. Унга кўра, ўпканинг буллез

касаллиги ёрилиши билан холларда асосий гуруҳда 66,7% (22) ҳолатда пневмоторакс, гемоторакс эса 12,1% (4) беморда аниқланган. Қиёсий гуруҳда пневмоторакс буллез касаллиги бўлган кўплаб беморда кузатилган (59,6%). Кўплаб беморлар касалликнинг илк кунларида (52,9%), 1-3 кунлари 25 (29,4%), 4-10 кунлари – 17,6% беморлар мурожаат қилганлар. Амалиётлар тури жадвал 2 да келтирилган.

Жадвал 1

Патологиялар бўйича беморларнинг тақсимланиши

Патология	Асосий гуруҳ		Қиёсий гуруҳ		Жами	
	мутл.	%	мутл.	%	мутл.	%
Ўпканинг буллез касаллиги (ёрилиши)	22	66,6%	31	59,6%	53	62,3%
Кўкрак қафасининг ёпиқ жароҳати	6	18,2%	12	23,1%	18	21,2%
Кўкрак қафасининг тешиб ўтган уткир жисм жароҳатлари	5	15,2%	9	17,3%	14	16,5%
Жами	33	100,0%	52	100,0%	85	100,0%

Жадвал 2

Жарроҳлик йўли билан даволаш турига кўра беморларнинг тақсимланиши

Ташриҳ	Асосий гуруҳ		Қиёсий гуруҳ		Жами	
	мутл.	%	мутл.	%	мутл.	%
Плевродез билан бўлган ўпка буллини кечиш ва тикиш ВТС *	6	18,2%	21	40,4%	27	31,8%
“Гепроцел” гели аппликацияси билан ўпка буллини кесиш ВТС	8	24,2%	0	0,0%	8	9,4%
Тикув аппаратида фойдаланган ҳолда ўпка буллини кесиш ва тикиш ВТС *	8	24,2%	10	19,2%	18	21,2%
Ўпка жароҳати коагуляцияси ВТС *	0	0,0%	7	13,5%	7	8,2%
Ўпка жароҳатига “Гепроцел” гели аппликацияси билан ВТС	4	12,2%	0	0,0%	4	4,7%
Ўпка жароҳатини тикиш билан ВТС *	7	21,2%	14	26,9%	21	24,7%
Жами	33	100%	52	100%	85	100%

Изоҳ: * - асосий гуруҳда “Гепроцел” гели аппликацияси билан тўлдирилган ташриҳлар

Аввало, тадқиқот “Гепроцел” янги маҳаллий биологик композицион гелининг самарадорлигини баҳолашини инобатга олган ҳолда, диссертация ишининг асосий қисми айнан тажрибавий ва морфологик қисмига

бағишланган, унга кўра ушбу субстратнинг хусусиятлар хақида тўлиқ объектив тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Диссертациянинг «Ўпкаларда бажариладиган жаррохлик амалиётларида гемо- ва аэростаз учун “Гепроцел” биомослашувчан композицион гелидан фойдаланишни тажрибавий ва морфологик асослаш» номли учинчи боби ёритилган. Тадқиқотнинг гемо- ва аэростатик самарадорлиги 140-210 граммли вазнга эга оқ лаборатор зотдор бўлмаган эркак-каламушларда ва 9 кг вазнли иккала жинсли зотдор бўлмаган итларда ўтказилган. Тажрибанинг биринчи босқичида каламушларда тиббий-биологик хусусиятлар ўрганилди. Тажрибада итларда эса ўпканинг моделлашган жароҳатларида: қон кетиш хажми, ташрих натижаларида (якуний ёки вақтинчалик аэростазга эришиш) аэро- ва гемостазга эришишнинг техник параметрлари баҳоланган.


Торакотомиядан сўнг, жароҳатга стерил салфеткалар қўйилди. Жароҳатдан абразив қўллаш билан жароҳатни моделлаш учун ўнг ўпка пастки бўлагини ажратилади, аэростаз бузилиши билан кечган паренхиматоз қон кетиши моделланди. Томчи кўринишида гель шприц ёрдамида суртилди. Қуруқ юзада гель тарқалади ва 2-4 дақиқа давомида қотади. Бунда ўпка пасайган холда бўлиши лозим. Интраоперацион тарзда 10 дақиқа давомида сув синамаси билан аэростаз турғунлиги назорат қилинди. Ташрихдан кейин 1 ва 3 кунлари хайвонларни тажрибадан чиқардилар ва макро- ва микроскопик тадқиқот ўтказдилар. Тажрибадан чиқарилганда, ўнг плевра бўшлиғи тозалиги, ўпкалар тўлганлиги аниқланган. Ташрихдан кейинги муддатларда хайвонларда асоратлар кузатилмаган. Ташрих ўтказилган ўпка ва жароҳат дефекти юзасида яллиғланиш белгилари аниқланмаган. Гелли қоплама тадқиқотнинг бутун муддати давомида амалий жихатдан сўрилмади, кўкрак қафаси битишмасига қўшилган холда, чандиқли тўқима билан қопланган (расм 1).



Расм 1. Гемо- ва аэростазга эришиш билан қобикли қопламанинг ҳосил бўлиши

Морфологик тадқиқот шуни кўрсатдики, “Гепроцел” нинг ўпка тўқимаси билан алоқаси натижасида аввал унинг юзасига, сўнгра тўқима қаватига кириб боради ва альвеола бўшлиғида аниқланади (расм 2). Ўпка

тўқимаси шикастланишининг эрта муддатларида ўпка тўқимасида кўп миқдордаги томирдан ташқари эритроцитлар аниқланади. Улар ҳам альвеола бўшлиғига, ҳам оралик бириктирувчи тўқимага тарқалади. Бунда альвеола бўшлиғида, ҳамда микромирларда микротромбларнинг шаклланиши муҳим ўрин тутаяди. Кузатувнинг сўнгги муддатларида “Гепроцел” нинг қисман қолдиқлари сақланади. Альвеолаларнинг хаво билан тўлганлиги билан ўпка архитектоникасининг тўлиқ тикланиши кузатилади.




Расм 2. Микротромблар билан альвеола бўшлиғидаги ва оралик тўқимадаги “Гепроцел” гели қолдиқлари. Г-Э 10x40

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижасида гель кўринишидаги тадбиқ этилган маҳаллий биомослашувчан композицион материал биомослашувчан имплантатларнинг асосий хусусиятлари ва тиббий-биологик талаблари, хатто, техник (адгезия, механик мустаҳкамлик, лизис) ва клиник параметрлари (аэро- ва гемостатик самара сифати) бўйича аналогларидан қолишмаслигини асослаш имконини берди;

Морфологик тадқиқот натижаларига кўра, гель кўринишидаги имплантатнинг тақлиф этилган шакли ўпка тўқимаси жароҳат юзасида герметик аппликацияни таъминлашини аниқланган ва тажриба хайвонларида токсик, қитиқловчи ва аллергия реакциялар йўқлиги билан қўллашда хавфсизлиги билан характерланади.

Диссертациянинг «**Видеоторакоскопик амалиётларда гемоаэроостатик воситани етказувчи усқунани тадбиқ этиш**» номли тўртинчи боби ВТС ташрих амалиёти шароитида тез ва ишончли аэроостаз ва гемостазни таъминлаш бўйича вазифаларни хал этишга бағишланган. ВТС амалиётларида гемоаэроостатик воситани етказиш ва аппликацияси учун усқуна тақлиф этилган (FAP 2019 0276; 30.12.2019). торакопорт орқали, видеоназорат остида, ўпка тўқимасида хосил бўлган дефектга гемостатик восита компонентлари киритилади. Видеоторакоскопик амалиётларда гемоаэроостатик воситани манзилли етказиш ва аппликацияси усқунаси (расм 3) кесилган дистал қисмли интубацион найча (1) ва катта хажмдаги цилиндр

шаклдаги манжета (2), қайта клапанли назорат қилувчи баллон (3) ва ўтказувчи кўринишидаги босувчи механизмдан (4) ташкил топган.



Расм 3. Видеоторакоскопик амалиётларда гемоэроstatик воситани етказиш ва аппликацияси учун ускуна

Ўпкаларда бажариладиган турли ВТС амалиётлари вақтида етқаўувчи ускуна, умумий олганда, 33 наар беморда қўлланилган. Резекцион босқичдан ёки битишмадан ажратишда ўпка паренхимасининг шикастланишидан сўнг, торакопорт орқали ускуна киритилади. Ўпка тўқимаси дефекти юзасига етиб боришда шприц ёрдамида манжет 40-50 мл хажмгача шиширилади, бу бевосита қайта клапанли баллон билан назорат қилинади. Сўнгра ўтказувчи қисм босилганда, гемоэроstatик гел керакли сохага келиб тушади. Пленкали қоплама хосил бўлгунча, 3 дақиқа давомида гел экспозицияси ўтказилади (расм 4).




Расм 4. Манжетнинг шиширилиши ва керакли сохага ўтказувчи ёрдамида гелни етказиш

Шундай қилиб, илк марта ўпка жаррохлиги ВТС учун клиник-тажрибавий тадқиқотларида паренхиматоз қон кетишлар ва пневморейни тўхтатиш ва қайталаниши олдини олиш учун гел кўринишидаги махаллий

биомослашувчан композицион материал апробация қилинган; гель кўринишидаги композицион материалнинг локал аппликацияси, текис компрессияси ва адгезиясини таъминловчи таклиф этилган етказувчи ускунани қўллаш орқали ўпка тўқимаси жароҳатларида аэро- ва гемостаз бузилишларни даволашнинг ВТС усули тадбиқ этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот гуруҳларидаги видеоторакоскопик амалиёт натижаларини қиёсий таҳлил» номли бешинчи боби тадқиқотнинг клиник қисмига бағишланган. ВТС кейинги асоратлар сони қиёсий таҳлил қилинганда, қон кетишларнинг қайталаниши фақат назорат гуруҳидаги 3 (5,8%) беморда, гемоторакс қайталаниши эса улардан фақат биттасида (1,9%) кузатилган. Аэростаз бузилишлари асосий гуруҳдаги беморлардан биттасида (3,0%) ва қиёсий гуруҳда эса 6 та беморда (11,5%) кузатилган. Қиёсий гуруҳдаги беморлардан фақат биттасида (1,9%) пневмоторакснинг қайталаниши аниқланган. Экссудатив плеврит қиёсий гуруҳдаги 3 нафар беморда (5,8%) кузатилган. Шундай қилиб, назорат гуруҳида асоратли кечиш частотаси асосий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан бироз устунлик қилган (17,3% қарши 3,0%; мезон χ^2 - 3,964; Df=1; P=0.047) (расм 5).



Расм 5. ВТС амалиётларидан кейинги асоратларнинг солиштирма частотаси

Буллез касаллиги билан хасталанган беморлардаги булл ўлчамларига кўра, ушбу асоратларнинг ривожланиши қиёсий таҳлил қилиб, назорат гуруҳидаги 31 нафар буллез касаллиги билан хасталанган беморлардан 21 тасида 5 см кичик бўлган булл ёрилиши ва 10 нафарида 5 см ортиқ булл бўлганлиги кузатилган. Бунда аэростаздан кейинги пневморейя 4 та беморда (12,9%), 5 см кичик бўлган булл билан 2 нафар (9,5%), 2 нафар (20,0%) 5 см катта бўлган буллда кузатилган. Асосий гуруҳда буллез касаллиги билан хасталанган 22 нафар беморда асоратнинг ушбу тури (8 тасида булл 5 см катта ва 14 тасида булл ўлчами 5 см кичик бўлган)

кузатилмаган (мезон χ^2 - 3,918; Df=1; P=0.048). Гемостаз бузилиши қиёсий гуруҳдаги фақат 1 нафар (10,0%) беморда булл ўлчами 5 см ортиқ бўлган ҳолатда аниқланган.


Булл ёрилишида ВТС ўтказишнинг техник аспекти кўриб чиқилганда, гелли композицион материалдан фойдаланиш асосий гуруҳда 36,4% ҳолатларда жароҳат юзасини тикмасдан буллни кесиш билан чекланган, асосий гуруҳда эса 67,7% ҳолатда буллни кесиш жароҳат юзасини қатъий тикиш билан тўлдирилган. Герметик аппарат билан тикиш асосий гуруҳда 8 (36,4%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳда 8 (25,8%) беморда қўлланилган. Механик чок қўйилгандан кейинги қўшимча тикиш қиёсий гуруҳдаги 2 та беморда (6,5%) ўтказилган.

Сўнгра ўпка жароҳатини даволаш натижаларини таҳлил қилиш ўтказилган. Унга кўра, ВТС сўнг асосий гуруҳдаги 11 нафар бемордан 1 тасида (9,1%) пневморей кузатилган ва гемостаз бузилиши ҳолатлари аниқланмаган, қиёсий гуруҳдаги 21 нафар бемордан 2 ҳолатда пневморей (9,5%) ва 2 нафарида (9,5%) – гемостаз бузилиши кузатилган. Ўпка жароҳатланишида ВТС ни бажаришнинг техник аспекти кўриб чиқилганда, асосий гуруҳдаги 36,4% ҳолатда гелли композицион материални қўллаш орқали жароҳат юзасини тикмасдан қониқарли натижага эришилган. Қиёсий гуруҳдаги 33,3% беморда гемостаз ва аэроостаз самарадорлиги электрокоагуляция ёрдамида эришилган. Ўпка жароҳатини герметик тикиш солиштирма гуруҳларда ўтказилиб, асосий гуруҳдаги 6 (54,5%) ҳолатда ва қиёсий гуруҳдаги 10 нафар (47,6%) беморда қўлланилган. Механик чок қўйилгандан кейинги қўшимча тикиш асосий гуруҳда битта беморда (9,1%) ва қиёсий гуруҳда 4 (19,0%) беморда ишлатилган.

Жароҳатлардаги турли манипуляциялардан кейинги тўқима герметиклигини баҳолаш орқали шулар аниқландики, ўпка жароҳатини тикиш асосий гуруҳда 6 нафар (85,7%) беморда ва қиёсий гуруҳда 10 нафар (71,4%) беморда бажарилган. Қўшимча тикиш асосий гуруҳдаги битта беморда (14,3%) ва қиёсий гуруҳда 4 (28,6%) беморда зарурати туғилди.

ВТС амалиётларининг ўртача давомийлиги солиштирма гуруҳларда қуйидагиларни кўрсатди, асосий гуруҳдаги булл ёрилганда, бу кўрсаткич - $70,5 \pm 3,2$ дақ., қиёсий гуруҳда эса - $81,4 \pm 3,9$ дақ. (Т-мезон 2,16 - $P < 0,05$); ўпка жароҳатида, асосий гуруҳда $78,4 \pm 1,7$ дақ., қиёсий гуруҳда - $89,8 \pm 3,1$ дақ. (Т-мезон 3,22 - $P < 0,01$) ташкил этган. Шундай қилиб, барча ташрихларга сарфланган ўртача вақт асосий гуруҳда - $71,4 \pm 2,6$ дақ., қиёсий гуруҳда - $83,0 \pm 1,8$ дақ. кўрсаткичи билан белгиланган (Т-мезон 3,67 - $P < 0,01$).

Икки кун давомида плевра бўшлиғини дренажлаш асосий гуруҳда 31 нафар беморда (93,9%) ва қиёсий гуруҳда 42 нафар (80,8%) беморда талаб этилган. 3 кун давомида дренажлаш эса асосий гуруҳда 1 (3,0%) беморда ва қиёсий гуруҳда ҳам 1 (1,9%) бажарилган. 4 дан 6 кунгача ва 6 дан 7 кунгача дренаж кўтариб юриш фақат солиштирма гуруҳлардаги мос равишда 4 (7,7%) ва 3 (5,8%) беморларда аниқланган. Қиёсий гуруҳдаги 2 (3,8%) бемор дренаж билан шифохонадан чиқарилган (расм 6).



Расм 6. Солиштирма гуруҳлардаги ВТС амалиётлари натижалари

Шундай қилиб, таклиф этилган етказувчи ускуна ёрдамида гель кўринишидаги композицион материални локал аппликация йўли билан ўпка тўқимасининг жароҳатларидаги аэро- ва гемостаз бузилишларни даволашнинг тадбиқ этилган ВТС усули кўрсатиб ўтилган ташрихдан кейинги асоратлар сонини 17,3% (қиёсий гуруҳдаги 52 бемордан 9 тасида) дан 3,0% га (асосий гуруҳдаги 33 бемордан 1 тасида), плевра бўшлиғини узоқ муддат дренажлаш заруратини 19,2% (қиёсий гуруҳдаги 12 нафар беморда) дан 6,1% га (асосий гуруҳдаги 2 беморда) қисқартириш, қайта кичик инвазив манипуляциялар заруратини (3,8% - қиёсий гуруҳда 2 беморда) ва асоратларсиз беморлар сонини 82,7% (қиёсий гуруҳда 43 нафарида) дан 97,0% га (асосий гуруҳдаги 32 беморда) ошириш имконини берган (мезон χ^2 - 3,964; Df=1; P=0.047).

ХУЛОСА

1. Гель кўринишидаги тадбиқ этилган маҳаллий биомослашувчан композицион материал ўпка жароҳлигида ишлатиладиган биомослашувчан имплантатлар учун асосий тиббий-биологик талабларга, хусусан, техник параметрларга (адгезия, механик мустаҳкамлик, лизис) ва клиник характеристикасига (паренхиматоз қон кетишларни ва пневмореяни самарали тўхтатиш ва қайталанишини олдини олиш) мос келади.

2. Тажрибавий-морфологик тадқиқот шуни кўрсатдики, гель кўринишидаги имплантатнинг таклиф этилган ушбу шакли ўпка тўқимаси жароҳат юзасида герметик аппликацияни таъминлайди ва маҳаллий ва умумий яллиғланиш, токсик, қитқловчи ва ножўя реакциялар кузатилмаслиги билан қўллашда хавфсизлиги билан характерланади.

3. Видеоторакоскопик амалиётларни бажаришда ўпканинг шикастланган тўқимаси юзасига гелли композицияни етказиш ва суртиш учун ишлаб

чиқилган ускуна имплантатнинг текис тарқалиши, компрессияси ва адгезиясини таъминлайди, шунинг билан ишончли аэро- ва гемостазга эришиш билан самарали локал аппликацияга эришилади.

4. Ўпка ёрилиши билан асоратланган ўпка буллез касаллиги билан хасталанган беморларда ВТС амалиётларида "Гепроцел" гелини қўллаш булл кесилгандан кейинги ўпка тўқимасини тикиш заруратини 67,7% дан 27,3% га қисқартилган, шунга мос равишда, 36,4% беморда буллни кесиш билан чекланган, аппарат билан тикишдан кейин тўлиқ герметикликка эришилган ($P < 0.001$), умуман олганда, ташрихдан кейинги пневморея (12,9%) ва гемостаз бузилишлари (3,2%) ривожланиш хавфини камайтиришга, барча асоратларнинг умумий частотасини 16,1% дан 0% қисқартиришга эришилган ($P = 0.048$).

5. Ўпка тўқимасининг жароҳатли шикастланишларида ВТС амалиётларини бажаришда гель кўринишидаги композицион материал аппликацияси бирламчи чоклар герметиклигини 71,4% дан 85,7% га яхшилаш, шунга мос равишда, қўшимча чоклар қўйиш заруратини 28,6% дан 14,3% га камайтириш, ҳамда умуман олганда, аэро- ва гемостаз бузилишлар бўйича ташрихдан кейинги белгиларнинг частотаси камайиши билан кичик инвазив ташрихлар самарадорлиги 19,0% дан 9,1% га яхшилаш имконига эришилган.

6. Таклиф этилган етказувчи ускуна ёрдамида гель кўринишидаги композицион материални локал аппликация йўли билан ўпка тўқимаси жароҳатларидаги аэро- ва гемостаз бузилишларни видеоторакоскопик даволашнинг тадбиқ этилган усули ташрихдан кейинги даврда юқоридаги асоратлар сонини 17,3% дан 3,0% га камайтиришга, плевра бўшлиғини узоқ муддат дренажлаш заруратини 19,2% дан 6,1% га қисқартиришга, қайта кичик инвазив манипуляциялар ўтказиш заруратини камайтиришга (қиёсий гуруҳда 3,8% холатда) ва унга мос равишда, асоратсиз беморлар сонини 82,7% дан 97,0% га оширишга эришилган ($P = 0.047$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

БОБАЕВ УЛУГБЕК НАСИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ГЕМО- И АЭРОСТАЗА
ПРИ ВИДЕОТОРАКОСКОПИЧЕСКИХ ВМЕШАТЕЛЬСТВАХ НА
ЛЕГКИХ**

**14.00.27 - Хирургия
АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/Tib1280.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Эшонходжаев Отабек Джураевич
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Акбаров Миршавкат Миролимович
доктор медицинских наук, профессор

Беркинов Улугбек Базарбаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Республиканский научный центр экстренной
медицинской помощи**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 116). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
Ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день, развитие торакальной хирургии, как и хирургической науки в целом напрямую зависит от стремления минимизировать или ликвидировать периоперационные осложнения независимо от тяжести клинического статуса и сложности оперативного вмешательства. «Благодаря малоинвазивным технологиям в области торакальной хирургии (роботизированная торакоскопия, видеоторакоскопические (ВТС) вмешательства, медиастиноскопия и др.) появились качественно новые возможности оперативных пособий при операциях на легких, сердце, средостении»¹. В тоже время, «одним из нерешённых вопросов миниинвазивной хирургии легких остается проблема эффективного и стойкого гемостаза и аэрозаза в зоне поврежденной ткани лёгкого, что обуславливает риск развития осложнений во время и после операции»². Так, бронхоплевральные осложнения - несостоятельность культи бронха, бронхоплевральные свищи и связанная с ними эмпиема плевры - основной фактор снижения эффективности хирургического лечения заболеваний легких, особенно при проведении ВТС вмешательств. Для лечения и профилактики послеоперационного проявления нарушений аэро- и гемостаза в хирургии легких предложено множество устройств (коагуляторы, механические клипаторы и др.), которые зачастую малоэффективны, в частности, при наличии дефекта ткани легкого с паренхиматозным кровотечением. На этом фоне освоение новых биосовместимых материалов и создание специализированных биомедицинских изделий для аппликации на раневую поверхность становится лидирующим направлением для исследований и производства в настоящее время.

В мировой практике в настоящее время одним из актуальных исследований продолжает оставаться изучение причинно-следственных связей развития нарушений аэро- и гемостаза с поверхности травмированной ткани легкого, рассматриваются вопросы влияния как механических факторов, определяющих прочность паренхимы, ее прочностные и эластические свойства, так и биологические параметры, учитывающие этиологические факторы, состояние паренхимы органа, особенности кровоснабжения и нарушения системы гемостаза. Продолжается поиск новых биоинертных материалов, обладающих хорошей адгезивной способностью, формирующих прочную герметичную пленку поверх травмированной ткани паренхиматозного органа и при этом обладающих низким потенциалом в отношении провоцирования местных воспалительных, раздражающих и аллергических реакций, то есть соответствующие основным требованиям по безопасности применения. Разработка и внедрение биоискусственных

¹ Krebs ED, Mehaffey JH, Sarosiek BM, Blank RS, Lau CL, Martin LW. Is less really more? Reexamining video-assisted thoracoscopic versus open lobectomy in the setting of an enhanced recovery protocol. J Thorac Cardiovasc Surg. 2019 Sep 13. pii: S0022-5223(19)31771-4. doi: 10.1016/j.jtcvs.2019.08.036.

² Kavurmaci Ö, Akcam TI, Ergonul AG, Cagirici U, Cakan A. Prolonged air leak after video-assisted thoracoscopic surgery in patients with primary spontaneous pneumothorax. Niger J Clin Pract. 2019 Sep;22(9):1292-1297.

материалов и органов искусственного или биологического происхождения, которые стимулируют регенерацию клеток в зоне имплантации, является приоритетом инновационного направления в Республике.

Следует особо отметить, что в Узбекистане предприняты широко масштабные целевые меры по организации социального здоровья и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В частности, в улучшении результатов ВТС вмешательств при различной патологии легких достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения качества оказываемой помощи требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности новых разработанных биоимплантов с учетом их эффективности и безопасности в миниинвазивной торакальной хирургии. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы» поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности³. В соответствии с этим разработана новая форма биосовместимого имплантата для достижения стойкого гемо и аэростаза при выполнении ВТС вмешательств является одним из актуальных направлений для исследования.

